

Автотранспорт соҳасидаги ютуқлар

Хоразм вилоятида барча соҳалар қатори аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, автотранспорт воситаларида йўловчи ташиш фаолиятини такомиллаштиришга қаратади кўрилаётган кенг кўламли тадбирлар ўзининг салмоқли самараларини бермоқда.

Хусусан, Урганч шаҳридаги “Бунёд йўловчи ташиш” масъулияти чекланган жамияти дастлаб ижара шартномаси асосида жисмоний шахсларга тегишли бўлган автобусларни ўзига жалб қилиб, фаолият бошлаган эди. Кейинчалик 2011 йилда “Асака банк”дан ажратилган 1 млрд. 60 млн. сўм микдоридаги кредит маблағи эвазига 42 та автобус сотиб олди.

2012 йилда эса лизинг асосида “СамАвто” МЧЖда ишлаб чиқарилаётган “Исузу” автобусларидан яна 45 тасини, 2013 йилда 10 та, 2015 ва 2016 йилда 20 тадан сотиб олди. Бу автобуслар аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиш имкониятлари кўламини кенгайтирди.

“Бунёд йўловчи ташиш” масъулияти чекланган жамиятида хозирги кунда лизинг асосида олиб келинган автобуслар сони 137 тага етди. Шу билан боғлиқ равища кўплаб янги ишчи ўринлари яратилди. Айни кунда бу ерда 200 нафардан зиёд киши иш билан таъминланган.

Корхонага тегишли бўлган автобуслар Урганч шаҳриниг 6 та йўналишида ва вилоятнинг туман марказлари ва чекка қишлоқлари билан боғлайдиган 17 та шаҳар атрофи ҳамда 2 та шаҳарлараро вилоят ичи йўналишларида қатновларни бажариб, йўловчиларни ташиш фаолияти билан шуғулланмоқда. Автобуслар белгиланган қатъий жадвал асосида ҳаракатланиб, йўловчиларни манзилларига тез ва бехатар элтиб қўймоқда.

2011 йилда жамиятга олиб келинган автобусларнинг лизинг муддати 2016 йил ноябр-декабр ойларида тугаб, автобусларнинг тўловлари тўлиқ амалга оширилганлиги натижасида 87 та автобус тўлиқ корхона ҳисобига ўтди. “Бунёд йўловчи ташиш” масъулияти чекланган жамияти маъсул ходимлари ва ҳайдовчиларининг тажрибаси корхонада тўғри иш ташкил қилинганлиги, қолаверса, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автобусларнинг мустаҳкамлиги, чидамлилиги сабабли барча автобусларга вақтида техник қарови ўтказилиб борилган. Хозир ҳам автобуслар техник соз холатда янги автобуслардан хеч фарқи бўлмасдан йўловчиларга хизмат кўрсатиши давом етмоқда.

- 2017-2021 йиллар давомида вилоятимизга яна кўплаб янги, замонавий автобусларнинг келтирилиши, бунинг баробарида янги ишчи ўринларнинг яратилиши ҳамда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш кўламларининг кенгайтирилиши кўзда тутилмоқда – дейди корхона раҳбари.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати